БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 81 (18.857). ● Жума, 6 апрель 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

# ДЎСТЛИК ОРБИТАСИДА

## КОСМИК КОМПЛЕКС ИЧИДА СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ЭКИПАЖИ ИШЛАМОҚДА

*ТАСС ахбороти*

1984 йил 4 апрель куни «Союз Т-11» космик кемаси «Салют-7» — Союз Т-10» орбитал комплекси билан туташтирилди.

«Союз Т-11» кемаси экипажининг аъзолари космонавтлар Малишев, Стрекалов ва Шарма туташтириш узелининг герметиклигини текшириб кўрганларидан сўнг «Салют-7» станциясига ўтдилар.

Ер атрофи космик фазода «Салют-7», «Союз Т-10», «Союз Т-11» илмий тадқиқот комплексининг ичида олти кишидан иборат халқаро экипаж: совет космонавтлари Леонид Кизим, Владимир Соловьев, Олег Атьков, Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва Ҳиндистон Республикасининг космонавти Ракеш Шарма ишламоқдалар.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон олимлари биргалашиб ишлаб чиққан илмий тадқиқотлар программаси етти кунга мўлжалланган. Ер табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш, космик материалшуносликка доир экспериментлар ҳамда медицина тадқиқотлари ўтказиш мўлжалланган.

Космонавтлар Кизим, Соловьев, Атьков, Малишев, Стрекалов ва Шарма ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. «Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон космонавтларининг биргалашиб ишлашлари космик фазони тинчлик мақсадларида ўзлаштириш дўст мамлакатларимизнинг қалин ҳамкорлигида янги бир саҳифа очади.

### *«Салют-7»—«Союз Т-10»— «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи—космонавтлар Леонид Денисович КИЗИМга, Владимир Алексеевич СОЛОВЬЕВга, Олег Юрьевич АТЬКОВга, Юрий Васильевич МАЛИШЕВга, Геннадий Михайлович СТРЕКАЛОВга, Ракеш ШАРМАга*

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексида биргаликдаги иш муваффақиятли бошланганлиги муносабати билан сизларга самимий табриклар ва астойдил қутловлар йўллайман.

Сизларнинг парвозингиз СССР билан Ҳиндистоннинг космик фазони тинчлик мақсадларида ўзлаштиришда муваффақиятли ривожланиб бораётган кўп йиллик ҳамкорлиги қонуниятли натижаси бўлиб, совет ва ҳинд халқларининг анъанавий дўстлигини яққол намойиш этади.

Сизлар юксак ишончни оқлаб, биргаликдаги тадқиқотлар ҳамда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган экспериментларнинг планлаштириб қўйилган программасини шараф билан уддалашингизга аминман.

Олдиларингизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришингизни ва Ерга омон-эсон қайтиб тушишингизни тилайман.

К. ЧЕРНЕНКО

## СОВЕТ-ҲИНДИСТОН БИРГАЛИКДАГИ КОСМИК ЭКИПАЖИГА

Биргаликдаги космик учишда қатнашаётган совет ва ҳинд дўстларга самимий қутлов ва табриклар йўллашдан ғоятда мамнунман. Биз шу учишни амалга ошириш устида қаттиқ меҳнат қилган икки мамлакат гражданларидан миннатдормиз. Илк бор ҳинд космонавти космосда учаётганлигидан айниқса хурсандман. Учишингиз Ҳиндистон — Совет дўстлигининг рамзи ва икки мамлакат ўзаро манфаати ва бутун инсониятнинг фаровонлиги йўлидаги илмий тараққиёт ишида биргалашиб ижобий ишлай олишларига жуда катта мисолдир. Зиммангизга қўйилган муҳим вазифаларни муваффақиятли бажаришингизда энг эзгу тилаклар билдираман.

Гьяни ЗАИЛ СИНГХ,
Ҳиндистон Республикасининг Президенти

## СОВЕТ-ҲИНДИСТОН БИРГАЛИКДАГИ КОСМИК ЭКИПАЖИГА

Космосда биргалашиб учганлигингиз муносабати билан Ҳиндистон ҳукумати ва мен билан бирга бутун ҳинд халқи сизларга қутловлар ва яхши тилаклар йўллайдилар. Неча ойлаб зўр бериб тайёрланиш ва қаттиқ меҳнат қилиш натижасида шундай муваффақиятли парвозга эришилди. Биз шу парвозни амалга ошириш устида биргалашиб меҳнат қилган кўпдан кўп совет ва Ҳиндистон гражданларидан миннатдормиз. Ҳиндистон учун бу парвоз ҳақиқатда тарихий бир пайтдир.

Бу учиш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим воқеадир. Бу халқларимизнинг фаровонлиги йўлида амалий ҳамкорлик қилишга яна бир ёрқин мисол бўлиб, дўстлигимиз шу ҳамкорликни ривожлантиришга доимо кўмак бериб келмоқда. Биргаликда сарфлаётган куч-ғайратингиз фан тараққиётига ёрдам беради.

Фикри-зикримиз космосда учиб юрган сизларга қаратилган. Омон-эсон учаверишингизни тилаймиз, зиммангиздаги вазифаларни муваффақиятли бажарасиз, деб эзгу истаклар билдирамиз.

Индира ГАНДИ,
Ҳиндистон Республикасининг Бош министри

### Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович ЧЕРНЕНКОга
### Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Индира ГАНДИ хонимга

Биз, «Салют-7» — «Союз Т-10» «Союз Т-11» орбитал комплекси экипажининг совет ва ҳинд аъзолари космосда биргаликдаги илмий тадқиқотларнинг планлаштириб қўйилган программасини бажаришга киришганимизни қувонч билан маълум этамиз. Орбитал комплекс ичидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди, биз ўзимизни яхши ҳис этяпмиз. Ҳозирги пайт зўр бериб қилинган меҳнатнинг якуни ҳамда катта умидлар ва муддаоларнинг рўёбга чиқишидир.

Биз СССР билан Ҳиндистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришда яна бир муҳим қадам қўйганидан дарак берувчи, илм-фаннинг янги марраларини ўзлаштиришда мамлакатларимизнинг куч-ғайратларини бирлаштирувчи шу тарихий воқеада қатнашишга мушарраф бўлганимиз билан фахрланамиз. Биз ўз зиммамизга юклатилган масъулиятни тўла-тўкис англаймиз ва бизнинг билим ва тажрибамиз учиш программасини муваффақиятли бажаришга сарфланади, деб сизларни ишонтирамиз. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик равнақ топиб мустаҳкамланаверсин.

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи

Л. КИЗИМ
В. СОЛОВЬЕВ
О. АТЬКОВ
Ю. МАЛИШЕВ
Г. СТРЕКАЛОВ
Р. ШАРМА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари

### *Ўртоқ Константин Устинович ЧЕРНЕНКОга*

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи самимий табрикларингиз ва эзгу тилакларингиз учун Сизга сидқидилдан миннатдорчилик билдиради.

Биз ўзимизга билдирилган ишончни шараф билан оқлаймиз ҳамда биргаликдаги учиш программасини муваффақиятли бажариш учун бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни сарфлаймиз, деб ваъда берамиз.

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи

Л. КИЗИМ
В. СОЛОВЬЕВ
О. АТЬКОВ
Ю. МАЛИШЕВ
Г. СТРЕКАЛОВ
Р. ШАРМА

Ҳиндистон Республикасининг Президенти

### *Гьяни ЗАИЛ СИНГХга*

Самимий табрикларингиз ва эзгу тилакларингиз учун Сизга астойдил миннатдорчилик изҳор этамиз.

Биз, «Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплекси Совет—Ҳиндистон экипажининг аъзолари космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш юзасидан белгиланган биргаликда учиш программаси муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма ишни қиламиз, деб Сизга ваъда берамиз.

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи

Л. КИЗИМ
В. СОЛОВЬЕВ
О. АТЬКОВ
Ю. МАЛИШЕВ
Г. СТРЕКАЛОВ
Р. ШАРМА

Ҳиндистон Республикасининг Бош министри

### *Индира ГАНДИ хонимга*

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексида халқаро Совет—Ҳиндистон экипажининг биргаликда иш бошлаганлиги муносабати билан йўллаган самимий қутловларингиз ва эзгу тилакларингиз учун Сизга миннатдорчилик билдирамиз.

Биз ўзимизга билдирилган ишончни оқлаймиз, биргаликда учиш программаси муваффақиятли бажарилиши учун ҳамма ишни қиламиз, деб Сизга ваъда берамиз.

«Салют-7» — «Союз Т-10» — «Союз Т-11» орбитал илмий тадқиқот комплексининг халқаро экипажи

Л. КИЗИМ
В. СОЛОВЬЕВ
О. АТЬКОВ
Ю. МАЛИШЕВ
Г. СТРЕКАЛОВ
Р. ШАРМА



Чироқчи районидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз ғаллазорларида иш қизғин. Экин парвариши тезкорлик билан олиб борилянти. Ишда суръат ва сифат бирлигига эришилаётир. Шуниси қувончлики барча ишлар агрегатлар ёрдамида бажарилмоқда.

Хўжаликда айни вақтда маккажўхори экиш қизғин давом этяпти. Маккажўхорикорлар уруғни ернинг ўз намига ундириб олиш учун курашмоқдалар. Шунда ниҳол бақувват бўлиб яхши ривожланади. Энг муҳими сув тежалади. Ерга барака уруғи қадаш Ҳуррам Умаров етакчилик қилаётган коллективда айниқса яхши ташкил этилган. Экипаж аъзолари кунлик топшириқни 1,5—2 ҳисса қилиб бажаришга эришмоқдалар. Ҳозир сўнгги гектар майдонларга уруғ ташланяпти. Суратларда: (юқорида) маккажўхори экишда ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаётган илғор механизатор Эшбой Жавлиев. Пастда эса экиш пайти.

Е. Ботиров фотолари.

## Экиш илғорлари



## БИРИНЧИ ПАРВАРИШ БОШЛАНДИ

ҚУМҚЎРҒОН («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди). Райондаги Ульянов номли совхознинг кўпчилик бригадаларига қарашли майдонларда чигит текис униб чиқди. Муҳаммади Караматов бошқарувчилик қилаётган бўлим пахтакорлари 95 гектар майдондаги ғўзаларга биринчи комплекс ишлов беришни бошлаб юбордилар.

«Қизил Октябрь» колхозининг 507 гектарлик агроучасткасида ҳам ёш ниҳоллар барқ уриб ривожланмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, гектарлар тўла, уялар ва кўчатлар сони бут. Абдуғаффор Хўжаназаров, Бобоюсуф Худойбердиев, Холмўмин Хўжаназаровлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар майдонда кўзда тутилганидан 15-20 процент кўп ва соғлом ниҳоллар олинган. Механизаторлар культивация ва озиқлантиришни кучайтирмоқдалар. Қатқалоққа қарши таъсирчан чоралар кўрмоқдалар.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам биринчи комплекс ғўза парвариши бошлаб юборилди.

## ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг раиси Менгисту Хайле Мариамга телеграмма йўллаб, унда шонли байрам — ғалаба куни муносабати билан Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси Марказий Комитетини, Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашни, социалистик Эфиопия Министрлар Совети ва дўст халқини самимий табрикладилар.

Совет кишилари эфиоп халқининг қаҳрамонона ўтмишига, унинг озодлик ва мустақиллик учун, мустамлака босқинчилиги ва фашист агрессиясига қарши мардона курашига ҳамиша чуқур ҳурмат туйғуларини изҳор этиб келмоқдалар. Ана шу курашнинг шонли анъаналари мамлакатингизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи билан, унинг революцион ғалабаларини империализм душман кучларининг, ташқи ва ички реакциянинг кирдикорларидан ҳимоя қилиш билан узвий боғлангандир.

Совет Иттифоқи билан социалистик Эфиопия ўртасидаги қалин дўстлик ва жанговар бирдамлик муносабатлари мамлакатларимиз халқлари бахт-саодати йўлида, ялпи тинчлик, озодлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли равишда ривожланиб мустаҳкамланаверишига аминмиз, деб таъкидланади телеграммада.

(ТАСС).

## *МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ*

НУКУС, 5 апрель. (ЎзТАГ.) Бугун автоном республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш Қорақалпоғистон АССРга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширишга бағишланди. Қорақалпоғистон ўтган йили республика социалистик мусобақасида эришган юксак натижалари учун шу мукофотга сазовор бўлди. Байроқни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров топширди.

# ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

«ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН

## СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

**«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:**

Ўн биринчи беш йилликнинг мебель ишлаб чиқариш бўйича тўрт йили плани 20 октябрда, товар маҳсулоти бўйича мажбурият эса шу йил 15 ноябрда адо этилади. Пландан ташқари 3,5 миллион сўмлик шундай маҳсулот тайёрланади.

Ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 33,4 процент ўрнига 1980 йилдагига нисбатан 35,6 процент ўстирилиши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги 1980 йилдагига қараганда пландаги 31,5 ўрнига 33,8 процент оширилади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш, ноишлаб чиқариш нобудгарчилигини қисқартириш, қўл меҳнати салмоғини 6,8 процентга камайтириш эвазига меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1,5 процент ошишига, маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтиришга эришилади.

1984 йилда 92 минг сўмлик иқтисодий самараси бўлган янги техника бўйича тўртта тадбир, битта калибрлаш автоматик линияси, иқтисодий самараси 66,5 минг сўмга тенг 45 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Бу йил маҳсулот тайёрлашни ўстиришнинг 82 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига қўлга киритилади.

Ишчиларнинг камида 88 проценти, шу жумладан, пудрат асосида ишловчиларнинг 70 проценти меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулига ўтказилади. Шу бригадалар тайёрлайдиган маҳсулотларнинг салмоғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 90 процентга етказилади. Меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти йўқотилишини 10 процентга, кадрлар қўнимсизлигини 2 процентга қисқартириш йўли билан 55 минг сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрланади.

Давлат Сифат белгиси билан саккиз хил маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Олий категориядаги буюмларнинг салмоғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 56 процентга етказилади.

Тўрт йил ичида 96 минг сўмлик хом ашё материаллар, 225 минг киловатт соат электр энергияси, 202 минг тонна шартли ёқилғи, 590 минг калорий иссиқлик энергияси тежаб қолинади. Пландагига қўшимча 150 минг сўм фойда олинади.

1200 нафар ишчи, 77 нафар инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Янги мавсум бошлангунга қадар пионерлар лагери болаларни қабул қилишга шайлаб қўйилади. Бирлашманинг маиший биноси жиҳозланади.

1984 йилда 200 бошга мўлжалланган сигирхона қурилади ва бунда 80 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилади.

**Социалистик мажбуриятлар «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг умумий йиғилишида қабул қилинган.**

ЧУСТ БАДИИЙ БУЮМЛАР ФАБРИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА

## СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

**Чуст бадиий буюмлар фабрикаси коллективи КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларига амал қилиб, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, зиммасига қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилади:**

Ўн биринчи беш йилликнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича тўрт йиллик плани 5 сентябрда бажарилади. Пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий қилиш, ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усулидан кенг фойдаланиш орқали меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1,7 процент оширишга эришилади, шунинг ҳисобига пландан ташқари қўлда тикилган дўппилардан 124 минг сўмлиги, тўқимачилик-галантерея буюмларидан 45 минг сўмлиги тайёрланади.

Тежамкорлик режимини кучайтириш, материаллар сарфини камайтириш, нобудгарчиликларни қисқартириш асосида маҳсулот таннархи пландан ташқари 0,55 процент камайтирилади ва қўшимча 30 минг сўм фойда олинади.

15 минг сўмлик хом ашё ва материаллар, 8 минг киловатт соат электр энергияси тежалади.

Маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва хилларини кўпайтириш учун кураш олиб борилади. Олти хил янги бадиий буюм ва безак ўзлаштирилади. Ўн хил буюм Сифат белгисини олиш учун аттестацияга тақдим этилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулотлар салмоғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 30 процентга етказилади.

Янги техника бўйича иккита тадбир жорий қилинади. Ўнта янги машина ва дастгоҳ ўрнатилади. Иқтисодий самараси 10 минг сўм бўлган учта рационализаторлик таклифи қўлланилади.

Ишчиларнинг 98 проценти меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига ўтказилади. Ана шу бригада тайёрлайдиган маҳсулотлар салмоғи 90 процентга етказилади.

Республика юбилейигача 400 ишчи беш йиллик топшириғини адо этади. «Ресурсларни кўпайтирмай туриб, беш йиллик топшириғини бажарамиз!» шиори остида иккита бригада ишлайди.

200 нафар юқори малакали ишчи, 120 каштачи тайёрланади. Ишловчиларнинг меҳнат қилиш ва маиший шароитлари яхшиланади.

Ёрдамчи хўжалик кенгайтирилади. Қорамоллар сони 50 бошга етказилади.

**Социалистик мажбуриятлар фабрика коллективи йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

# ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## ТАДБИРЛАР ИЗЧИЛ БАЖАРИЛСИН

**Навоий область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорлари Томди район партия комитети томонидан бажарилишининг бориши муҳокама қилинди.** Тармоқни ривожлантириш масалалари район партия активи, совхозлар ва аграр-саноат комплекси бошқа бўлинмаларининг бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиниб, амалий тадбирлар белгиланган. Кўпгина хўжаликлар уларни бажара бориб, қорамол бош сонини кўпайтириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш борасида яхшигина кўрсаткичларга эришдилар. Натижада районда беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида гўшт етиштириш 28, сут етиштириш 60 процент ўсишига эришилди. Қорамоллар 42 минг бошга етди. Беш йилликнинг қолган муддатида гўшт етиштиришни 70 процент, сут ва тухумни бир ярим баравар ошириш кўзда тутилмоқда.

Бироқ белгиланган тадбирларни бажариш барча хўжаликларда анъанага айланган йўқ. Карл Маркс номли, «Прогресс» совхозлари, Томди давлат наслчилик заводи ва айрим бошқа коллективларда белгиланган марралар ҳанузгача эгалланмаётир.

Бу қолоқликнинг сабаблари турлича. Бироқ умумий хусусиятга эга бўлган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, баъзи партия ташкилотлари тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга расмиятчилик билан қарамоқдалар. Кўпинча белгиланган марралар ферма ва бригадаларнинг коллективларига етказилмаётир.

Область партия комитети район партия комитети ва район ижроия комитетидан чорвачилик барча бўғинларини кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларга талабчанликни кучайтириш, меҳнат коллективларида тарбиявий ишни изчил олиб бориш, белгиланган барча тадбирлар комплекси оғишмай бажарилишига кун сайин эътибор беришни талаб қилди.

## ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ

**Сирдарё область партия комитетининг бюроси Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати маъмурияти ва бошланғич партия ташкилотининг меҳнатни ташкил этиш, уни рағбатлантиришнинг бригада усулини жорий этиш борасидаги фаолиятини маъқуллади.** Беш йилликнинг бошларидаёқ корхонада бригадаларни янги усулга ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Шу мақсадда ички планлаштиришни такомиллаштириш, маънавий-психологик омилларни тўлароқ ҳисобга олиш, янги усулнинг афзаллигини ҳар бир ишловчи онгига чуқур сингдиришга эътибор кучайтирилди.

Ташкилотчилик ва тарбиявий ишнинг изчиллиги туфайли бригадаларни янги усулга ўтказиш қизғин олиб борилди. Иш ҳақини тақсимлаш чоғида меҳнатдаги иштирокнинг коэффициентини жорий этиш муҳим босқич бўлди. Буларнинг ҳаммаси коллектив аъзоларининг манфаатдорлигини кучайтирди. Ҳозирги пайтда барча меҳнатчиларнинг 75,6 проценти янги усулда ишловчи бригадаларнинг аъзоларидир. Шу муддатда иш вақтининг беҳуда йўқотилиши деярли икки баравар камайди. Кадрлар қўнимсизлиги 20 процент қисқарди. Меҳнат унумдорлиги шунча ўсди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотнинг салмоғи 14 процент кўпайди.

Область партия комитетининг бюроси коллектив имкониятларини чуқур ўрганиб чиқиб, маъмурият олдига ғоят муҳим вазифалар қўйди. Асосий эътиборни КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш, маҳсулот таннархини ярим процент пасайтиришдан иборат кўрсатмасини сўзсиз бажаришга қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

## ҚОҒОЗДАГИ КОМИССИЯЛАР

**Маҳаллий Советлар шуғулланадиган масалалар доираси ғоят кенг.** Муборак район «Чўлобод» қишлоқ Совети ижроия комитети хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик савиясини ошириш борасида муайян иш олиб бормоқда. Унинг территориясида уч совхоз, мактаблар, боғча ва яслилар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бор. Бинобарин, ҳаёт илгари сураётган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш фақат ижроия комитетнинг ўзигагина боғлиқ эмас. Шу боис составига йигирма беш депутат сайлаб қўйилган беш доимий комиссия фаолияти катта аҳамият касб этади.

Ҳужжатларга қараганда бу комиссиялар муайян иш олиб бормоқда, ижроком олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб турибди. Бироқ доимий комиссиялар фаолияти масаласини муҳокама қилган Муборак район партия комитети бошқача манзарани аниқлади. Маълум бўлишича, комиссияларнинг аъзолари жамоат ишида қатнашмаётир. Биронта ҳам комиссия иш планига эга эмас. Улар ижроком муҳокамасига киритаётган масалалар чуқур таҳлил қилинмай, сифатсиз тайёрланмоқда. Уларда ишдаги камчиликлар кўрсатиб берилмаётир. Комиссиялар совхозларнинг халқ контроли группалари ва назорат постлари билан амалий алоқа ўрнатмаганлар.

Район партия комитети «Чўлобод» қишлоқ Совети ижроия комитетининг эътиборини доимий комиссиялар суст иш олиб бораётганлигига қаратди, сайлаб қўйилган актив фаолияти самарадорлигини оширишни топширди. Қабул қилинган қарорда район ижроия комитети ҳам бу муҳим ишдан четда турганлиги, қишлоқ Советлари ижроия комитетларининг фаолиятлари билан чуқур шуғулланмаётганлиги, комиссиялар ишини активлаштиришда уларга амалий ёрдам кўрсатмаётганлиги таъкидланди.

## 21 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

● ГУРЛАН

Гурлан пахта тозалаш заводи коммунистик шанбалик штабига бош энергетикдан ҳозиргача бир кеча-кундузда барча механизмларнинг ишлаши учун етарли миқдорда энергия тежаб қолинди, деган хабар келди. Бунга эса электр симларининг пишиқлигини назорат қилишни кучайтириш, электр двигателларининг бекор айланишини камайтириш, асбоб-ускуналарни ортиқча ишлатишдан муҳофаза қилиш учун лойиҳаси заводда тайёрланган махсус стенд туфайли эришилди. Пахта тозаловчилар 21 апрель куни тўқимачиларга тежаб қолинган энергия ҳисобига 55 тонна юқори сифатли толани қайта ишлаб юборадилар.

● ЖАРҚЎРҒОН

«Жаркурганнефть» бошқармасидан қудуқларни ремонт қилувчи Н. Зинчук ва Н. Хужов бошлиқ бригадалар шанбалик фондига биринчи ҳисса қўшдилар. Улар учта қудуқдан иккитасини муддатидан илгари ремонт қилишди. Бу қудуқлардан 21 апрель куни энг кўп ёнилғи олиш мўлжалланган. Коллектив меҳнат байрамида 90 минг кубометр газ ва одатдагидан анча кўп — қарийб 300 тонна нефть қазиб чиқаришга қарор қилган. Бундан ташқари, ишчиларнинг бир қисми мажбуриятда белгиланганидек, кон атрофидаги территорияни ободонлаштириш, нефтчилар посёлкасини кўкаламзорлаштириш билан шуғулланади.

● БЕКОБОД

Бекобод шаҳар штаби корхоналар ва ташкилотларнинг ленинча шанбаликни ўтказиш юзасидан олган мажбуриятларини якунлади. 43 мингдан кўп киши меҳнат байрамига чиқади. Шу куни улар қарийб ярим миллион сўмлик пўлат, цемент, шифер, халқ истеъмол моллари ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Қурувчилар ва монтажчилар Ўзбекистон металлургия заводида «300» прокат станини қуришда анча ишларни бажаришади. Транспортчилар 60 минг тонна юк ташийдилар.

*ЛЕКТОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР*

## НАТИЖА ВА ҚУВОНЧ

— Сўз лектор Қодир Ҳазратовга.

Илк бор ушбу сўз айтилган кун асло унинг эсидан чиқмайди. Майнинг салқин оқшоми бўлишига қарамай, саҳнага чиққунича жиққа терга ботди, вужуди ҳаяжондан титрарди. У аста-секин ўзини босиб олиб, космос ва унга учишнинг тарихи ҳақидаги лекциясини инсон яқин келажакда самога кўтарилади, деган башорат билан якунлади. Самарқанддаги марказий паркни тўлдирган кишилар бу фикрни қарсаклар билан қарши олишди. Улар гўёки ўз ватандошлари орадан бир йил ўтиб космосга чиқишини ҳис қилишгандай эди.

Ҳозир ана шу кўклам кечасидаги илк суҳбатни Қодир Ҳазратов кулибгина эслайди. Ўшанда лекция қарсаклар билан тугаган бўлса-да, уни бошидан охирига қадар қоғозга қараб шавқ билан ўқиб берган, жонли суҳбат тарзида олиб бормаган эди. Буни орадан бир оз вақт ўтиб-ўтмай, Самарқанд давлат университетининг доценти, лектор Ҳамза Ҳайдаров лекцияни қандай олиб боришини кўрганда тушунди.

Лектор саҳнага чиқиб, у ёқдан бу ёққа бир неча марта юрди-да, тингловчилардан: «Мен ҳозир нима қилдим», — деб сўради. Уларнинг бир нечтаси мийиғида кулиб: «Нима қилардингиз, юрдингиз», — дейишди. «Йўқ, — деди у, — мен ҳозир механик ҳаракат қилдим. Ерда шундай ҳаракат қилиш мумкин. Космосда эса, бу бутунлай бўлакча содир бўлади».

Лектор бутун аудиторияни ўзига жалб қилган, тингловчилар унинг сўзларини қизиқиб тинглашар эди. Университетни тугатиб, физика факультетида ишлаб юрган Қ. Ҳазратов шу сингари сабоқларни Т. Эргашев, М. Кеншаков, И. Кукслис каби олимлардан, Нурота шаҳридаги мактабларда физика ва астрономиядан таълим беришни бошлаганда эса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Маҳмуд Юсуповдан ўрганди.

Сабоқлар ижодий изланишлар билан уйғунлашган тақдирдагина амалий аҳамият касб этади. Яъни, ҳар кимнинг ўзига хос лекторлик услуби бўлиши, аммо у бир қолипга тушиб қолмай, ҳаёт сингари такомиллашиб ва бойиб бориши керак. Табиийки, бу аввало лекторнинг тингловчиларни ишонтириш маҳорати билан чамбарчас боғлиқ.

Нуротанинг гўзал табиий манзаралари, шифобахш гиёҳу сувлари қадимдан кишиларни ўзига мафтун этиб келган. Лекин ўтмишда улардан турли хил мақсадларда, биринчи навбатда диннинг қудратини ошириш йўлида фойдаланишган. Масалан, баъзилар ҳозир ҳам Лангар тоғидаги катта тошни қўл билан қимирлатиш, Нурота шаҳридаги чашма суви кўпгина касалликларни даволаши мумкинлигини олий кучнинг иродасига боғлашади. Чунки бу тушунчалар одамлар онгига асрлар мобайнида сингдириб келинган. Шунинг учун уларга бу табиий ҳодисалар эканлигини оддий сўзлар билан тушунтириш қийин. Реал ва конкрет фактлар зарур.

Қ. Ҳазратовга бунда физика ва тарихни яхши билиши қўл келди. У лекция ўтказаётган пайтда физик асбоблар ёрдамида турли хил тажрибалар кўрсатди. Масалан, тошнинг оддий тош эканлигини исботлаш учун электромагнит майдони ҳосил қилиб, унда жисмни муаллақ тургиздирди. Чашма сувининг химиявий таркибини ва хусусиятларини бирма-бир ҳикоя қилди. Улар тўғрисида афсонавий гаплар тўқилишининг сабабларини тарихий фактлар асосида очиб берди.

Чуқур билим, ҳаётий тажриба, ўзига хос услуб, нотиқлик санъати, ишонтира билиш маҳорати лектор сўзларини ишга айлантиришнинг асосий фазилатларидир. Эҳ, уларни ўзингда мужассамлаштириш эса нечоғлик қийин?! Яқинда ёш лекторлардан бири маҳаллада актуал мавзуда суҳбат ўтказибди. Тўғриси, ёзганларини ўқиб берибди. Анъанавий хотима: «Кимда савол бор?» Ҳамма жим. «Тушунарлими?». «Ҳа». Шу билан одамлар тарқалишди, лектор ҳам суҳбат ўтказганлиги тўғрисидаги қоғозга қўл қўйдириб ортига қайтди. Хўш, бундан ким қандай фойда кўрди?

— Беҳудага вақт сарфланибди, холос, — дейди Қ. Ҳазратов. — Демак, лектор тажрибасизлик қилиб, яхши тайёргарлик кўрмаган Жўрақул Сафаров, Тилла Ҳақбердиев, Асад Ражабов каби 15—20 йиллик тажрибага эга лекторлар ҳозир ҳам ҳар бир суҳбатга ўртача ўн кун мобайнида ҳозирлик кўришади. Мавзуни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш билан бирга суҳбат услубини ҳам ишлаб чиқишади.

Суҳбат услуби аудиториянинг қандайлигига қараб танланади. Чўпонларга долзарб мавзудаги содда ва самимий суҳбатлар маъқул келса, педагогларни лекциянинг баҳсли ва муаммоли ўтиши кўпроқ жалб этади. Тингловчилар турли касб эгалари бўлишса, бутунлай бошқача услуб излаш керак.

Яқинда Қодир Ҳазратовга худди шундай аудиторияда КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида тарбияга комплекс ёндашувнинг вазифалари хусусида лекция ўқишга тўғри келди.

— Пленумда бу масалага катта эътибор берилганлиги ҳаммаларингизга яхши маълум. — деб суҳбатни бошлади у. — Унинг асосий моҳиятини нималар ташкил этади? Ким жавоб беради?

Бир неча киши қўл кўтарди. У уларнинг жавобларини тўлдирди-да, тарбия тўғрисида марксизм-ленинизм классикларининг фикрларини келтиришни таклиф қилди. Хуллас, шу тариқа савол ва жавоблар билан бошланган суҳбат охиригача жонли ва қизиқарли ўтди. Унинг тингловчилар онгида ва қалбида из қолдирганлиги нигоҳлардаги ажиб бир ёлқиндан, тингловчилар берган саволлардан ҳам сезилиб турарди.

Нурота шаҳридаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг директори Қ. Ҳазратов ҳар бир суҳбатни ана шундай сермазмун ўтказишга, кишиларнинг меҳнат ғайратлари ва сиёсий онглилигини оширишга, уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга интилади.

— Районимизнинг социал ва иқтисодий жиҳатдан юксалиб, давлат планларини ошириб бажаришида,— дейди Нурота район партия комитетининг биринчи секретари Мунаввара Қурбонова, — Қодир Ҳазратов сингари оташин сўз усталарининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Демак, лекторларнинг сўзлари амалий ишга айланмоқда. Аслида улар меҳнатининг пировард натижаси, қувончи ва бахти ҳам шундадир.

**А. ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**



● Олмалиқдаги 126-ҳунар-техника билим юрти бу ердаги В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинатига юксак малакали ишчи кадрлар етказиб беришда катта роль ўйнаяпти. Ёшларни мустақил меҳнатга ўргатиш ва уларга устозлик қилишда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Леонид Бабушкин бошлиқ корхона мураббийлар кенгаши ибратли ишлар олиб бормоқда.

Суратда: комбинатнинг илғор слесари Собир Ойнақулов (ўнгдан иккинчи) билим юрти талабалари билан амалий иш олиб бораётган пайт. У бундан олти йил муқаддам шу билим юртини битириб, корхонага ишга келган малакали кадрлардан бири.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

## ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

▲ ХАРЬКОВ

**Украина ва Урал олимлари ҳамда ишлаб чиқарувчилари гидроаккумуляция электр станциялари учун мамлакатда энг катта энергетика машиналарини яратишга киришдилар. Бугун Харьковдаги «Электротяжмаш» заводида 220 минг киловатт қувватли кўплаб ишлаб чиқариладиган биринчи генератор узеллари йиғила бошлади. Генератор Литвадаги Кайшядор ГАЭСида ўрнатилади. Бу станция учун жами саккизта шундай агрегат ясалади.**

▲ ТРУСКОВЕЦ (Львов области)

**«Молдова» санаторийси дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. У Молдавия хўжаликларининг маблағлари ҳисобига қурилди. Бу ерда бир йўла 350 қишлоқ меҳнаткаши дам олади ва даволанади. Шу беш йилликда курортда «Янтарь» ва «Родина» комплекслари қурилди, «Весна» ва «Карпати» комплексларини очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шулар ишга тушгач, Бутуниттифоқ шифохонаси ҳар йили 300 мингдан кўп кишини қабул қила оладиган бўлади.**

(ТАСС).

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

## МУҲИМ МАВЗУГА ЭЪТИБОР

**«Жиззах ҳақиқати» область газетаси саҳифаларида** ҳар бир иш жойида тартибни, уюшқоқликни, интизомни мустаҳкамлаш, халқ хўжалигида чуқур сифат ўзгаришларига эришиш проблемаларини ёритишга катта эътибор берилмоқда. Газетанинг сўнгги сонларидан бирида «Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак» умумий сарлавҳа остида қўш саҳифа эълон қилинди. Унда агросаноат комплекси бўғинларида олиб борилаётган жуда катта ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар ўрин олган. Мирзачўл районидаги «Дружба» чорвачилик комплексининг директори Ҳ. Сулаймоновнинг «Ихтисослаштириш йўлидан», Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхоз бригадири Т. Аҳмедовнинг «60 йилликка — 60 центнердан», Дўстлик районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози паррандачилик фермаси мудири М. Ўроловнинг «Ёрдамчи хўжалик — кони фойда» сарлавҳали материалларида қишлоқ меҳнатчиларининг КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларини бажариш борасидаги фидокорона меҳнати ҳақида ҳикоя қилинади.

## ПУДРАТ УСУЛИ САМАРАСИ

**Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетасида** «Коллектив пудрати — ишимиз қудрати» умумий сарлавҳаси остида қўш саҳифа эълон қилинди. Унда ўрин олган материалларда «Ленин йўли» колхозида меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулини жорий этиш тажрибаси умумлаштирилган. Колхоз раиси Қ. Соттибоевнинг «Янгича ишлаш самаралари» сарлавҳали материалида бригада пудратини жорий этиш маҳсулот етиштиришни кўпайтираётганлиги, меҳнат унумдорлигини ошираётганлиги, янги-янги резервларни ишга солишнинг муҳим омилига айланганлиги ҳақида фикр юритилади. Бош экономист Т. Усмонов «Рақамлар тили билан» сарлавҳали мақоласида меҳнатни коллектив пудрат асосида ташкил этиш ички хўжалик ҳисобини такомиллаштиришга ёрдам бераётганлиги, кам сарф билан кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришга ёрдам бераётганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, бош инженер А. Анорбоев, колхозчи П. Мусаев, қурилиш инженери А. Турғунбоев ўртоқларнинг мақолаларида ҳам меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулини янада кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ресурсларни тўла ишга солиш, қурилиш суръати ва сифатини ошириш масалалари тилга олинади.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Георгий Иванович **Воробьев**ни бетоблиги сабабли пенсияга чиқиши муносабати билан СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитети раиси вазифасидан озод қилди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## «ҲАММОММИ Ё МУЗХОНА»

**Юқоридаги сарлавҳали фельетон газетанинг шу йил 21 январь сонида босилган эди. Унда Қарши шаҳридаги баъзи ҳаммомлар, айниқса, 5-ҳаммом аҳолининг бугунги талабларига етарли жавоб бермаслиги танқид қилинган эди.**

Ушбу фельетон юзасидан атрофлича текшириш ўтказиб, чора-тадбирлар белгилаган **«Узбытхимчистка» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси** редакцияга қуйидагича жавоб йўллаган.

— Мақола юзасидан тузилган махсус комиссия Қашқадарё «Облбытхимчистка» бирлашмаси хўжаликлари ишларини пухта ўрганиб чиқди.

Ҳаммом, қозонхоналар хўжалиги ишларини тубдан яхшилаш, эскирганларини ремонт қилиш мақсадида министрлик 1984 йил учун 100 минг сўм пул, шу жумладан, Қарши шаҳридаги учта ҳаммомни қайта жиҳозлаш ва капитал ремонт қилиш учун 30 минг сўм пул ажратди.

**ҚАРШИ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ**дан олинган жавобда ҳам юқоридаги фельетон юзасидан ўтказилган текшириш якунлари шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида кенг муҳокама этилган, камчиликка йўл қўйган хўжаликлар раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди. 5-ҳаммом капитал ремонти жадал бошлаб юборилди.

# КПСС—СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АВАНГАРДИ

*НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ*

Совет халқининг авангарди — КПССнинг XXVI съезди, шундан кейин бўлиб ўтган партия Марказий Комитети Пленумларидан сўнг ўтган вақтнинг самараси қандай бўлди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қандай ютуқларга эришдик, съезд ва Пленумлар белгилаб берган йўлдан бориб қандай юксакликка кўтарилдик? Ҳар бир совет кишиси ўтган йилларга назар солиб, ўзига шундай савол бермоқда. Гап шундаки, ҳар бир киши ўтган вақтга назар ташлар экан, унга ўз ҳаётий тажрибалари, кузатувлари, орзу-умидларини мезон қилиб жавоб бермоқда.

Партиямизнинг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари, бутун халқнинг фаол меҳнати яхши натижалар бермоқда. Иқтисодий ўсиш суръатлари тезлашди, асосий халқ хўжалиги кўрсаткичлари яхшиланди, саноатнинг база тармоқлари тобора ривож топмоқда. Партия қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётир. Мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш умумхалқ иши бўлиб қолди. КПССнинг ҳозирги тактикаси — ривожланган социализмни такомиллаштириш илмий жиҳатдан пухта асосланган бўлиб, партия ва халқнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уни интенсивлаштириш, халқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларнинг масъулиятини ошириш, омманинг ижодий активлигини кучайтириш борасидаги куч-ғайрати ҳаётий масала сифатида ҳал этилаётганлигини тасдиқламоқда.

Мамлакатимизнинг сўнгги йиллардаги ривожланиш якунлари шуни кўрсатмоқдаки, партия томонидан ишлаб чиқилган сиёсий йўл собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Ғарб империалистик доиралари, аввало АҚШ ҳукмрон доираларининг айби билан жиддий равишда кескинлашган халқаро вазиятда ҳам совет халқи хўжалик ва маданий қурилишда, мамлакат иқтисодий, илмий-техника ва маънавий потенциалидан янада самарали фойдаланиш учун курашда катта ютуқларга эришди. Шуларнинг натижаси сифатида Ватанимиз янада бой ва қудратли бўлиб қолди.

Халқ хўжалигининг ҳамма кўрсаткичлари жиддий равишда яхшиланди. Миллий даромад 530 миллиард сўмдан, шу жумладан, республикамиз миллий даромади амалдаги нархларда 21 миллиард сўмдан ошди. Унинг қарийб тўртдан уч қисми истеъмол учун фойдаланилди. Уй-жой ва социал-маданий қурилишга харажатларни ҳисобга олганда эса халқ фаровонлигини оширишга миллий даромаднинг қарийб бешдан тўрт қисми сарфланди.

Саноат маҳсулоти 752 миллиард сўмга, шу жумладан Ўзбекистонда — 20 миллиард сўмга (1982 йилнинг 1 январигача бўлган корхоналарнинг улгуржи нархи ҳисобида) етди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти мамлакат бўйича — 134 миллиард сўмга, Ўзбекистонда эса 7,1 миллиард сўмга етди.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимиз саноат маҳсулотининг 30 дан кўп энг муҳим турларини, жумладан нефть, пўлат, прокат, трактор, тепловозлар ва электровозлар, цемент, минерал ўғитлар, жун газламалар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам олға томон катта қадамлар ташланди. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш борасидаги тадбирлар колхозлар ва совхозларнинг иши учун анча қулай иқтисодий шароитлар яратди, деҳқончиликни барқарор ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини анча ошириш вазифаларини ҳал қилишга яқиндан ёрдам берди. 1984 йил 1 январь маълумотларига кўра, мамлакатимиз колхозлари ва совхозларининг даромади қарийб 17 миллиард сўмга етди, рентабел хўжаликларнинг сони анча кўпайди.

КПСС халқ фаровонлигини ошириш соҳасида ўтган йиллар мобайнида салмоқли натижаларга эришди, аҳолининг реал даромадларини муттасил ошириб бориш йўли давом эттирилди. Ишчи ва хизматчиларнинг ойлик иш ҳақи 182 сўмга, колхозчиларнинг иш ҳақи эса 138 сўмга етди. Ижтимоий истеъмол фондларидан тўловлар ва имтиёзлар кўпайди. Ҳар бир совет кишиси ҳисобига бу тўлов ва имтиёзлар эндиликда йилига 495 сўмга етди. Уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши юксак суръатлар билан олиб борилди. Ўтган уч йил мобайнида 30 миллиондан кўп совет кишилари ҳовли тўйлари ўтказдилар. Совет кишиларининг фаровонлигини янада юксалтириш тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатиб, КПСС Марказий Комитети истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва хизмат доирасини ривожлантиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқишга киришишни лозим деб топди.

Партия XXVI съездидан кейин бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари партия ва бутун совет халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу Пленумлар мамлакатни ривожлантиришнинг етилган масалаларини бажариш, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш, етилган вазифаларни ленинчасига пухта ҳал қилиш намунасидир. Бу Пленумларда КПСС XXVI съездининг қарорлари иқтисодий қурилиш, социал турмуш ва идеология ишининг етилган эҳтиёжларига мувофиқ равишда конкретлаштирилди, ҳар томонлама асосланган, энг яқин даврга ва узоқ истиқболга мўлжалланган вазифалар қўйилдики, бу ҳол коммунистик бунёдкорлик ишларимизда, янги кишини шакллантиришда, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ривожланган социалистик жамиятни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш юзасидан кўрилган тадбирлар КПСС чинакам новаторлар партияси эканлигини кўрсатади. Партия Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида таъкидланганидек, бизнинг мамлакатимиз ҳозирги вақтда шундай босқичга кирдики, бу даврда ишлаб чиқарувчи кучларда чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда ва шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллашиб бормоқда. Шунга боғлиқ равишда кишилар онгида, жамиятимизнинг бутун устқурмасида тегишли ўзгаришлар юз бермоқда. КПСС XXVI съезди қарорларига мувофиқ, партиямизнинг янги Программаси ишлаб чиқилаётганлиги бу проблемаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу программа партиямизнинг асосий ғоявий-назарий ҳужжати бўлиб, узоқ тарихий истиқболга мўлжалланган бутун фаолиятимизнинг стратегик йўналишини белгилаб беради.

КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси съезддан кейинги давр мобайнида мазкур съезд ҳамда Марказий Комитетнинг бундан кейинги Пленумлари томонидан белгилаб берилган йўналишларда катта ишларни амалга оширди. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, мамлакат ҳаётининг ҳамма томонларига раҳбарлик услубини такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Уюшқоқлик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлашга эътибор янада кучайтирилди. Бу муҳим ҳаётий тадбирнинг натижалари тез орада сезилди. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимизнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта юксалиш юз берганлигини, партия, совет ва хўжалик органларининг иши муттасил яхшиланиб бораётганлигини, план ва меҳнат интизоми даражаси ошиб бораётганлигини сезиб турибмиз.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш кераки, КПСС XXVI съезди қарорлари, Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари йўл-йўриқларининг руҳи ленинча иш услубини астойдил эгаллаш, ташкилий ва ғоявий-сиёсий фаолиятнинг самарали формаларини жорий этиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, бутун агросаноат комплексини ривожлантириш борасида партия ташкилотлари фаолиятига чуқур сингиб бормоқда.

